Volume 04, Issue 11, 2026

ЎТКИР ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ ТАШХИСИ БИЛАН ВАФОТ ЭТГАН БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК АНАМНЕСТИК, ЛАБОРОТОР КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА АУТОПСИЯ БАЁННОМАЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

Рахимов Иззат Равшанбекович., Каримов Расулбек Хасанович.
Тошкент давлат тиббиёт университети.
Урганч давлат тиббиёт институти.

Мавзунинг долзарблиги. Ўткир холедохолитиаз ўт йўлларида тошларнинг мавжудлиги натижасида сафро оқимининг бузилиши, механик сариқлик, холангит, ўткир панкреатит ва жигар фаолиятининг издан чиқиши каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин бўлган касалликлардан биридир. Айрим ҳолларда касаллик тез ривожланиб, сепсис, кўп аъзолар етишмовчилиги ва ўлим билан якунланади. Шу сабабли вафот этган беморларнинг клиник анамнези, лаборатор таҳлиллари ва аутопсия натижаларини ўзаро таққослаб ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бундай таҳлил касалликнинг оғир кечишига таъсир этувчи омилларни, асоратларнинг учраш частотасини ва ўлимнинг асосий сабабларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўткир холедохолитиаз ташхиси билан вафот этган беморларнинг клиник-анамнестик маълумотлари, лаборатор кўрсаткичлари ва аутопсия баённомаларини статистик таҳлил қилиш орқали касалликнинг клиник-патологик хусусиятлари, асоратлари ҳамда ўлим сабабларини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот материали сифатида ўткир холедохолитиаз ташхиси билан вафот этган беморларнинг касаллик тарихи, амбулатор маълумотлари, лаборатор текширув натижалари ва патологоанатомик аутопсия баённомаларидан фойдаланилади. Беморларнинг ёши, жинси, касаллик давомийлиги, клиник белгилари, ҳамроҳ касалликлари, умумий билирубин, АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатаза, ГГТ, лейкоцитлар, С-реактив оқсил ва бошқа лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Аутопсия материалларида жигар, ўт пуфаги, умумий ўт йўли, ошқозон ости бези ва бошқа ички аъзолардаги патологик ўзгаришлар ўрганилади. Олинган натижалар вариацион статистика, фоизли кўрсаткичлар, ўртача қийматлар ва корреляцион таҳлил усуллари ёрдамида баҳоланади.

Кутилаётган натижалар. Тадқиқот натижасида ўткир холедохолитиаз билан вафот этган беморларда касалликнинг ёш ва жинс бўйича тақсимланиши, лаборатор кўрсаткичлардаги ўзгаришлар, асосий асоратлар ва аутопсияда

аниқланган морфологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Шунингдек, клиник ташхис ва патологоанатомик ташхиснинг мослик даражаси ҳамда ўлимга олиб келувчи асосий патологик жараёнлар баҳоланади.

Хулоса. Ўткир холедохолитиаз ташхиси билан вафот этган беморларнинг клиник, лаборатор ва патологоанатомик маълумотларини комплекс статистик таҳлил қилиш касалликнинг оғир кечиши, асоратлари ва ўлим сабабларини чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Тадқиқот натижалари касалликни эрта ташхислаш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов Р., Мусаев У., Рузметова Д. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science; Vol. 1 No. 1 (2023): International conference on multidisciplinary science; 10-12. – Center for Tech and Media Research, 2023.

2. Исмаилов, М. & Жураев, Ж. (2026). Comparative evaluation of the efficacy of minimally invasive methods of biliary decompression in obstructive jaundice of gallstone origin. Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences, 6(6), 5-12. https://doi.org/10.5281/zenodo.20594315

3. Ziyayev, S., Boboyev, F., Tojiboev, A. (2026). CLINICAL EFFICACY OF MINIMALLY INVASIVE TECHNOLOGIES IN THE TREATMENT OF OBSTRUCTIVE JAUNDICE ASSOCIATED WITH CHOLEDOCHOLITHIASIS. PRACTICAL SURGERY, 3(3), 32-38. https://doi.org/10.67519/nshr.aj.2026.03.007